Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
2018 йил “ 23 ” апрельда
879 -сон билан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон чанғи спорти
Федерациясининг
2018 йил 19 июн
таъсис конференциясининг
баённомаси
“ТАСДИҚЛАНГАН”

ЎЗБЕКИСТОН ЧАНҒИ СПОРТИ ФЕДЕРАЦИЯСИ УСТАВИ

Тошкент шаҳри

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Ўзбекистон чанғи спорти Федерацияси (бундан буён матнда “Федерация” деб аталади) мазкур Уставни тан олувчи жисмоний шахсларни бирлаштирувчи жамоат бирлашмаси ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, республикада тоғ чанғиси, сноуборд, фристайл, пойга чанғиси ва бошқалар каби чанғи спорт турларини ривожлантириш учун ташкил қилинган.

1.2. Федерация Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси , Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида фаолият юритади.

1.3. Федерация юридик шахс ҳисобланиб, ўз номига, муҳр ва штампларга ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтган рамзига, балансига, банкда ўз миллий ва валюта ҳисоб рақамларига ҳамда бошқа ўз фаолиятига зарур бўлган атрибутика ва реквизитларга эга бўлиш, судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга.

1.4. Федерация давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

1.5. Федерация мустақил баланси, мол-мулки, банк муассасаларида миллий ва чет эл валютасидаги ҳисоб рақамлари, расмий номи ёзилган думалоқ муҳр ва бурчак штампи ҳамда рамзий белгисига эга бўлади;

1.6. Федерация фаолияти ихтиёрийлик, ўз-ўзини бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик тамойилларига асосланган;

1.7. Федерация ўз фаолиятини иқтисодий, техник ва ривожланиш йўлини мустақил белгилайди, мулкий, шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши, шунингдек мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин;

1.8. Федерация Уставига мувофиқ эгалик ҳуқуқи асосида эга бўлиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга;

1.9. Федерация давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, давлат Федерация мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди;

1.10. Федерациянинг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмаклашиши мумкин. Давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларининг

Федерация фаолиятига аралашишига, ҳудди шунингдек Федерация давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди;

1.11. Федерациянинг барча аъзолари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга;

1.12. Федерация Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда бошқа халқаро Ассоциациялар, иттифоқлар ва бошқа уюшмаларга ихтиёрий равишда аъзо бўлиши мумкин;

1.13. Федерация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида номуайян муддатга амалга оширади.

1.14. Федерациянинг расмий номи:

-ўзбек тилида: кирилл алифбосида: Ўзбекистон чанғи спорти Федерацияси

- лотин алифбосида: “O’zbekiston chang’i sporti Federatsiyasi”;

- рус тилида: “Лыжная спортивная Федерация Узбекистана”;

- инглиз тилида: “Ski sport Federation of Uzbekistan”.

1.15. Федерациянинг расмий тили ўзбек тили ҳисобланади. Федерацияда иш юритиш рус, ўзбек ва инглиз тилларида олиб борилади.

1.16. Федерациянинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100077, Тошкент ш., М.Юсуф кўчаси, 45”а”-уй.

II. ФЕДЕРАЦИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Федерациянинг асосий мақсади:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги чанғи спорт турларини – тоғ чанғиси, сноуборд, фристайл, пойга чанғиси ва бошқаларни ривожлантириш ва тарғиб қилиш ҳамда ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

- кенг оммани жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш. Шахснинг ҳар томонлама шаклланиши, соғлиғининг мустаҳкамланиши, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамиятини ошириш;

- чет эл спорт ташкилотлари, Федерациялари, бирлашмалари билан спорт ҳамкорлигини ривожлантириш;

- республика ва хорижий ташкилотлар, Федерациялар, бирлашмалар билан спорт ҳамкорлигини ривожлантириш ва уларда ўз манфаатларини ифода этишдан иборат.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI RO'YXATGA OLINDI -2-

2.2. Федерациянинг асосий вазифалари:

- Ўзбекистон Республикасида аралаш чанғи спорт турларини ижобий имиджини шакллантириш ва нуфузини ошириш;

- Соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, ўсмирларни мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга максимал тарзда жалб этиш;

- чанғи спорт турлари бўйича республика ва халқаро спорт тадбирлари мусобақалар (чемпионатлар, кубоклар, пойгалар, матч-учрашувлари), ўқув-машқ машғулотлари ва йиғинлар, семинарлар, фестиваллар, слётлар, конгресслар ташкил этиш ва ўтказиш;

- чет элларда ўтказиладиган спорт тадбирларига (мусобақа, семинарлар, ўқув-машқ йиғилишлари), ўқиш, иш ёки хизмат сафарларига Федерациядан жўнатиладиган спорт вакиллари(делегация) таркибини мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш;

- спорт тадбирлари (мусобақа, семинарлар, ўқув-машқ йиғилишлари)га, ўқиш, иш ёки хизмат сафарига келган чет эллик спорт делегациялари вакиллари учун Ўзбекистон худудида шароит яратиш ва ташкиллаштириш;

- Федерация аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантириш;

- Федерация аъзоларининг турли ҳилдаги спорт тадбирларида, семинарлар, фестиваллар, конгресс, мусобақаларда, ўқув-машқ йиғинларида, шу жумладан чет элларда иштирок этишини таъминлаш;

- юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, спорт заҳиралари, терма жамоаларни халқаро мусобақаларда муваффақиятли чиқишларини таъминлаш;

- тоғ чанғиси, сноубординг, фристайл, пойга чанғиси ва бошқалар каби чанғи спорт турларини ривожлантиришда ўз аъзоларига, шунингдек ташкилотларга, корхоналарга ва муассасаларга, жамоат бирлашмаларига маслаҳат, мутаҳассис ва бошқа ёрдамларни кўрсатиш;

- чанғи спорт турлари секциялари, клублар, марказларини кенгайтиришда ва уларни моддий-техник таъминлашда ёрдам кўрсатиш;

- турли спорт тадбирларини ўтказишда спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва бошқа фахрий меҳмонларни қимматбаҳо совринлар билан рағбатлантириш;

- қуйидаги чанғи спорт турлари - тоғ чанғиси, сноубординг, фристайл, пойга чанғиси ва бошқалар бўйича терма жамоалар ва уларга номзодлар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

таркибларини шакллантириш ва мувофиқлаштиришга кўмаклашиш;

- чанғи спорт турлари бўйича республика терма жамоаларини спорт кийимлари, жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлаш;

- мазкур чанғи спорт турлари бўйича спортчилар ва бошқа мутаҳассисларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- Федерация мутахассислари, мураббийлари ва етакчи спортчилари учун қулай шароитлар яратиш;

- республикада чанғи спорт турларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

- республика мусобақаларини ўтказиш қоидалари ва Низомларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш;

- республика ва халқаро мусобақалар кун тартибларини шакллантиришда иштирок этиш, уларни Ўзбекистон ҳудудида ўтказишни ташкил этиш;

- ягона спорт таснифлари талаблари ва меъёр(норматив)ларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- тоғ чанғиси, сноубординг, фристайл, пойга чанғиси ва бошқалар каби чанғи спорт турларини ривожлантиришда чет эл тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш;

- етук мураббийларни танлаш ва иш билан таъминлашда иштирок этиш, уларнинг малакаларини ошириш бўйича ишларини ташкил этиш;

- Устав вазифаларини бажариш мақсадида қонунда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан иборат.

III. ФЕДЕРАЦИЯ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Устав мақсад ва вазифаларини бажариш учун Федерация:

- ўз аъзолари ва иштирокчиларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ифодалаш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

- ўз фаолияти тўғрисида маълумотни тарқатиш;

- белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва нашриётчилик фаолиятини амалга ошириш;

- белгиланган тартибда ўз рамзий белгиларини таъсис этиш ва рўйхатдан ўтказиш;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
RO'YXATGA OLINDI
-2-

- Қонунчиликда белгиланган тартибда электрон ва оммавий ахборот воситаларида хамда ахборот тармоқларида ахборот фаолиятини амалга ошириш, реклама қилиш;

- Ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, конференциялар ўтказиш;

- чанғи спорт турлари бўйича турли спорт тадбирлари, шу жумладан хайрия тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- тоғ чанғиси, сноубординг, фристайл, пойга чанғиси ва бошқалар бўйича республика терма жамоалари, мураббийлари ва ҳакамлари таркибини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш;

- ОАВ, давлат органлари, нодавлат ташкилотлари ва юридик шахсларни ҳамкорликка жалб этиш;

- мазкур чанғи спорт турлари бўйича чет эл спорт тадбирларига (мусобақалар, ўқув-машқ йиғинлари, семинарлар, фестиваллар, слётлар, конгресслар, конференциялар, илмий симпозиумлар ва ҳ.) ўқиш, иш ёки хизмат сафарларига жўнаб кетувчи спорт делегациялари таркибини мувофиқлаштириш ва тасдиқлашга кўмаклашиш;

- мазкур чанғи спорт турлари бўйича спорт унвонлари ва даражалари бериш учун спортчилар, мураббийлар ва ҳакамлар рўйҳатини мувофиқлаштириш ва тасдиқлашга кўмаклашиш;

- Федерация мулки ва маблағини тасарруф қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар ва филиаллар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

3.2. Федерация ўз фаолиятини таъминлаш учун:

- давлат, кооператив ва бошқа ташкилотлар ва алоҳида фуқаролар томонидан унга тақдим этилган бино, иншоот, жиҳоз ва бошқа мулкни келишув асосида сотиб олиши, ижрага бериши ва фойдаланиши;

- спорт-томоша тадбирларини ўтказиши;

- белгиланган тартибда даврий, реклама, ахборот ва амалий қўлланмалар нашр этиш, шу жумладан ноширлик фаолиятини олиб бориш;

- давлат ва бошқа ташкилотлар, алоҳида фуқаролар билан келишувлар тузиш;

- спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва бошқа мутаҳассисларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни амалга ошиш;

- Устав вазифаларини бажариш мақсадида, ишлаб чиқариш ва молиявий-

хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи Федерация муассасалари, корхона ва ташкилотларини таъсис этиши мумкин.

Шунингдек, Федерация Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

3.3. Федерация мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ва микдорий ҳисоб ҳамда молиявий–хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисобот олиб бориш;

- ваколати доирасида давлат органларига ўз мулки ва пул маблағидан фойдаланиши тўғрисидаги маълумот олишини таъминлаш, рўйхатдан ўтказувчи органга ҳар йил 1 февралгача ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган шакл бўйича тақдим этиш;

- руйхатга олувчи орган вакилларига Федерация томонидан ташкил этиладиган барча тадбирларда эркин иштирок этиш имкониятини яратиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ олган мажбуриятлари бўйича қарзни ундириш мумкин бўлган барча мулки билан жавобгар бўлишидан иборат.

Федерация Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

IV. ФЕДЕРАЦИЯ ТУЗИЛИШИ ВА РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

4.1. Федерациянинг Олий раҳбар органи Конференция ҳисобланади.

Федерациянинг ижроия раҳбар органи Ижроия қўмитаси (Ижрокўм) ҳисобланади.

Федерация фаолиятини назорат қилувчи органи Тафтиш комиссияси ҳисобланади.

Федерация Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳудудларида ўз бўлинмаларини ташкил қилади.

4.2. Конференция камида тўрт йилда бир марта қоида тариқасида Чанғи Олимпиада ўйинлари ўтказилганидан кейин чақирилади. Навбатдан ташқари конференциялар ҳам ўтказилиши мумкин. Конференция Федерация аъзоларидан иборат бўлади. Федерация аъзоларнинг 2/3 кам булмаган тақдирда қатнашганда конференция йиғилиш ўтказишга ваколатли ҳисобланади. Конференцияни чақириш, унинг кун тартибини белгилаш Ижроия қўмита, ёки Тафтиш комиссияси ёки Федерация аъзоларнинг 1/3 қисми ваколатига киради.

4.3. Федерация Конференцияси қуйидаги ваколатларга эга:

RO'YXATGA OLINDI

- Федерация фаолиятнинг истиқболли ва муҳим йўналиши ҳамда устав мақсад ва вазифаларини амалга оширишнинг узоқ муддатли дастурларини тасдиқлайди;

- Федерация фаолияти устидан умумий назоратни амалга оширади;

- Федерация уставини тасдиқлайди ҳамда унга қўшимча ва ўзгартишлар киритади;

- Федерация раиси, раис ўринбосарлари, бош котибни беш йил муддатга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

- Ижроқўм аъзолари сонини белгилайди, шунингдек беш (5) йил муддатга Ижроқўм аъзоларини сайлайди ва уларни эгаллаб турган лавозимидан озод этади;

- уч аъзодан иборат Тафтиш комиссиясини беш йил муддатга сайлайди ва уларни эгаллаб турган лавозимидан озод этади;

- Федерация Ижроқўми ва Тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглайди ва уларнинг хулоса ва ҳисоботларини тасдиқлайди.

- белгиланган тартибда Федерация фаолиятининг аудиторлик текширувларини ўтказиш учун аудитор ташкилотларини жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- Федерация ташкил этиш, қайта тузиш ва уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- тугатиш комиссияси аъзоларини тайинлайди ва тугатиш балансини тасдиқлайди;

Конференция қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ваколатларга эга.

4.4. Федерация аъзоларига Конференция чақирилишидан аввал 1 ойдан кам бўлмаган муддатда хат ёки бошқа алоқа воситалари орқали кун тартибини кўрсатган ҳолда чақириқ ҳужжати жўнатилади.

4.5. Конференция муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан қарорлар ҳозир бўлган Федерация аъзолари 2/3 қисмининг овозидан кам бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

4.6. Конференция қатнашчилари овоз бериши тартиби “бир аъзо – бир овоз” қоидаси бўйича белгиланади ва қарор Конференция қатнашчиларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.7. Ижроия қўмита Федерациянинг раҳбар органи ҳисобланади ва Федерация номидан юридик шахс ҳуқуқларини амалга оширади.

4.8. Ижроқўм йиғилишлари зарурат юзасидан, лекин бир йилда камида

бир марта ўтказилади. Ижроқўм Конференцияга ҳисобот беради. Ижроқўм қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

4.8. Ижроқўм қуйидаги ваколатларга эга:

- Федерация аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликни бекор қилиш;
- йиллик иш режаси, уларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот, баланс, Федерация харажатлари сметаси ва штатлар жадвалини тасдиқлаш;

Федерация мол-мулкини тасарруф қилиш;

- Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва хулосаларини тинглаш ва тасдиқлаш;
- Конференцияни чақириш ва ўтказилишини таъминлаш, Конференция ўтказилиши билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни тайёрлаш.
- аъзолик ва кириш бадаллари миқдорини белгилаш;
- Федерация бўлинмалари, Федерация қошида тадбиркорлик субъектлари ташкил қилиш ва уларни тугатиш ҳақида қарорлар қабул қилиш, уларнинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ва раҳбарларини тайинлаш;
- Федерация фаолияти билан боғлиқ бошқа муҳим масалаларни ҳал этиш.

4.9. Ижроқўм таркибидан бирор бир аъзо чиқиб кетиши ҳолларида Ижроқўм янги аъзо танлаш ҳуқуқига эга ва у яқин келажакда ўтказиладиган Конференцияда унинг номзодини тасдиқлатиб олади.

4.10. Федерация раисининг ваколати доирасига қуйидагилар киради:

- Конференцияда ва Ижроқўм йиғилишларида раислик қилади.
- Федерациянинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади;
- Федерация мулки ва молиявий маблағини идора қилади;
- Федерация номидан ишонч қоғозисиз иш юритади;
- давлат ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикасида бўлгани каби чет элларда ҳам Федерация вакили ҳисобланади;
- Федерация номидан шартномалар тузади ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга оширади, ишонч қоғозлари беради, банк муассасаларида ҳисоб рақамлар очади;
- Федерация штат ишчиларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, уларга нисбатан рағбатлантириш ёки жазо чораларини қўллайди.

4.11. Федерация устави мақсад ва вазифаларини бажариш мақсадида Раис Конференция томонидан сайланган ўз ўринбосарларига эга бўлиши ва уларга маълум вазифаларни юклаши мумкин. Раис ўз ваколатларидан маълум қисмини ўз ўринбосарларига ва Бош котибга юклаши мумкин.

4.12. Федерация Бош котиби:

- Федерация Раиси берган ишончномага асосан молиявий ҳужжатларни унинг номидан имзолайди;

- Федерация Конференцияси қарорларини бажаради;

- Федерация тизимидаги бўлинмалари, бошқа спорт жамоалари, федерациялар, клублар, марказлар, шунингдек, ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар, жамоат бирлашмалари билан қишки спорт турларини ривожлантириш бўйича спорт ишларини мувофиқлаштиришда тезкор раҳбарликни амалга оширади;

- раис берган ишончнома асосида раис вазифаларини бажаради.

4.13. Конференция томонидан уч киши таркибида беш йил муддатга сайланувчи Тафтиш комиссияси Федерация фаолиятини назорат қилувчи ҳайъат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан Тафтиш комиссияси бир йилда камида бир марта Федерация молиявий-хўжалик фаолиятини текширади ва текширув натижалари ҳақида Федерация Конференциясига ҳисобот беради.

Навбатдан ташқари текширув Ижроқўм қарори билан амалга оширилади.

4.14. Тафтиш комиссияси аъзолари Ижроқўм аъзоси бўлиши мумкин эмас.

V.ФЕДЕРАЦИЯГА АЪЗОЛИК ВА АЪЗОЛИКДАН ЧИҚИШ, АЪЗОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Федерацияга якка, жамоа ва фаҳрий аъзо бўлиш мумкин.

5.2. Федерацияга аъзолик ихтиёрий ҳисобланади.

5.3. Федерацияга кириш даврида 18 ёшга тўлган, Федерация низомини тан оладиган, кириш ва аъзолик тўловларини мунтазам равишда тўлаб борадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахслар Федерациянинг якка тартибдаги аъзоси бўлиши мумкин.

5.4. Федерация уставини тан оладиган ва аъзолик тўловларини мунтазам равишда тўлаб борадиган республика спорт федерациялари, клублар, марказлар, секциялар ва бошқа спорт ташкилотлари, шунингдек, ҳакамлар, мураббийлар, журналистлар бирлашмалари ва бошқа юридик шахсларнинг меҳнат жамоалари Федерациянинг жамоа аъзолари бўлиши мумкин.

5.5. Ўзбекистон Республикасида чанғи спорт турларини ривожлантиришга кўп ҳисса қўшган жисмоний шахслар ёки жамоа аъзолари Федерациянинг

фахрий аъзолари бўлиши мумкин.

5.6. Федерацияга якка аъзо бўлишни истаганлар Федерациянинг Ижроия қўмитасига ариза билан мурожаат қиладилар.

5.7. Федерацияга жамоа бўлиб аъзо бўлмоқчи бўлган меҳнат жамоалаир Федерациянинг Ижроқўмига кириш тўғрисидаги ўз қарори (буйруқ ёки бошқа ҳужжат) ва ариза билан мурожаат қиладилар.

5.8. Федерация аъзолигига қабул қилиш ёки ундан чиқариш Федерациянинг Ижроия қўмитаси томонидан оддий овоз бериш йўли билан ҳал килинади.

5.9. Федерация раиси розилиги билан жисмоний шахслар, ёшидан қатъий назар конун хужжатларида белгиланган тартибда Федерациянинг турли холдаги спорт тадбирларида иштирок этишлари, шунингдек улар Федерация томонидан турли мусобакаларга таклиф килинишлари мумкин.

5.10. Федерация аъзолари Федерациянинг Ижроия қўмитаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда кириш ва аъзолик тўловларини тўлайдилар.

5.11. Мазкур низомга риоя қилмайдиган Федерация аъзолари Федерация аъзолигидан чиқариб юборилади.

5.12. Федерация аъзоси:

- Федерациянинг назорат ва раҳбар органларига сайлаш ва уларга сайланиш;
- Федерация фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот олиш;
- Федерация мулкидан белгиланган тартибда фойдаланиш;
- Федерация фаолиятини яхшилашга қаратилган таклифлар киритиш;
- мусобақалар ва бошқа спорт тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқларига эга.

Қонунчиликка асосан Федерация аъзолари бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

5.13. Федерация аъзосининг мажбуриятлари:

- Федерация уставига риоя қилиш;
- белгиланган тартибда кириш ва аъзолик тўловларини тўлаш;
- Федерация томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишида ёрдам бериш;
- иш жараёнида инсонпарварлик, ҳақгўйлик, яхшилик, шахснинг ҳар томонлама ривожланишига эътибор бериш, шунингдек, шуғулланувчиларнинг

оптимлаштирилишини таъминлаш;

- мазкур қишки спорт турларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш;

- Федерация фаолияти бўйича таҳлил ўтказиш ва қўшма ҳисоботлар тайёрлаш учун Федерацияга ўз фаолияти тўғрисида маълумот тақдим этади.

- Федерация фаолиятига тааллуқли махфий маълумотларни тарқатмайди;

- Федерация аъзоларига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган қонунчиликка асосланган бошқа мажбуриятлар юклатилиши ҳам мумкин.

5.14. Федерациянинг барча жамоат аъзолари, Федерация Ижроқўмига бир йилда бир марта қилинган ишлари тўғрисида ҳисобот бериб боради.

5.15. Федерация аъзолари Федерация олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар ҳисобланмайди, Федерация ҳам ўз ўрнида ўз аъзолари олган мажбуриятларга жавобгар эмас.

5.16. Федерациянинг аъзоси ўз хоҳишига кўра Федерация аъзолигидан чиқиши мумкин, бунинг учун у бир ой олдиндан Федерация Ижроия қўмитасини огоҳлантириб қўяди.

5.17 Федерация аъзосини Федерация аъзолигидан чиқариш ёки ўз ихтиёри билан чиқиши вақтида Федерацияга ўтказилган пул ёки мулк эгасига қайтарилмайди.

VI. ФЕДЕРАЦИЯ БЎЛИНМАЛАРИ

6.1. Низом мақсад ва вазифаларини ёки унинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириш учун Федерация бўлинмалар ташкил этиши мумкин.

6.2. Низомга кўра бўлинмалар Ижроқўм қарори билан ташкил этилади, уларнинг раҳбарлари ҳам Ижроқўм томонидан уч йил муддатга сайланади. Бўлинмалар раҳбарлари Федерация раиси томонидан берилган ишончнома асосида ўз фаолиятларини олиб борадилар.

6.3. Ижроқўм қарори билан бўлинмалар юридик шахс мақомига эга бўлишлари мумкин.

6.4. Ижроқўм бир йилда бир марта бўлинмалар раҳбарлари ҳисоботини тинглайди ва баҳолайди, шунингдек, бўлинмалар Тафтиш комиссиясини сайлайди.

6.5. Бўлинмалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан мазкур низом, шунингдек Ижроқўм томонидан тасдиқланган бўлинмалар тўғрисидаги низомига асосан ўз фаолиятини юритади.

6.6. Бўлинмаларнинг ташкил қилиш, кайта ташкил килиш, тугатиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари уларнинг низомларида белгиланади.

6.7. Бўлинмалар мол-мулкини тасарруф килиш Ижроқўм карори асосида амалга ошириладри.

VII.ФЕДЕРАЦИЯ ПУЛ МАБЛАҒИ ВА БОШҚА МУЛКИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

7.1. Федерация мулки асосий ва айланма маблағлардан, шунингдек қонунчилик томонидан таъқиқланмаган равишда топилган молиявий маблағдан ташкил топади.

7.2. Федерация аъзоларининг аъзолик, ҳомийлик, ҳайрия тўловлари ва беминнат тушган пул, хорижий инвестициялар ва грантлар ҳисобига шаклланган мулки Федерациянинг мулки ҳисобланади.

7.3. Федерация мулкининг баҳоси унинг мустақил балансида акс этади.

7.4. Федерациянинг мол-мулки:

- Кириш ва аъзолик тўловлари;
- ҳайрия, ҳомийлик ва беминнат тушумлардан, шу жумладан, хорижий инвестиция, грантлар ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан таъқиқланмаган тушумлардан;
- спорт-томоша тадбирларидан тушган тушумлар;
- давлат, нодавлат ташкилотлари, уюшмалар, юридик ва жисмоний шахслар ўтказмалари;
- фақат устав мақсадларини амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад(соф фойда);
- қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа тушумлардан шаклланади.

VIII. ФЕДЕРАЦИЯ УСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ВА УНГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

8.1. Федерация низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Конференция томонидан амалга оширилади. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг Федерация қайта рўйхатдан ўтказилиши керак.

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI

IX. ФЕДЕРАЦИЯНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Федерацияни қайта ташкил этиш ёки уни тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда конференция қарори ёки суд тартибида амалга оширилади.

9.2. Федерацияни қайта ташкил этиш бирлаштириш, қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиш ва ўзгартириб ташкил этиш йўллари билан амалга оширилади.

Федерацияни тугатиш чоғида қолган мол-мулк унинг ишчилари ва аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Кредиторларнинг талаблари қондирилганидан сўнг қолган мол-мулк Федерация низом мақсадларини бажариш ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мақсадлар учун ишлатилади.

9.3. Нодавлат нотижорат ташкилотлари Давлат реестрида Федерациянинг тугатилганлиги ёки қайта ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ёзув реестрга киритилган вақтдан бошлаб Федерация тугатилган ёки унинг фаолияти тўхтатилган ҳисобланади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1.Федерация фаолиятида пайдо бўлган келишмовчиликлар музокара орқали ҳал қилинади.

10.2. Агар мазкур келишмовчиликларни музокара орқали ҳал этиш имкони бўлмаса, у ҳолда қонунчилик томонидан белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

10.3. Федерациянинг таъсис ҳужжатларида акс этмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг мувофиқ ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

Федерация раиси _____ **Якубов Б.Р.**